



КУЙДИРГИ КАСАЛЛИГИ ВА УНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ

М. Б. Сафаров, Р. Қ. Нормаматов, J. N. Daminov, Abbosov N.N.

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси чорвачилик ва
биотехнологиялар унверситети асиссенти

+998887009597 safarovmadadbek@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7228236>

ARTICLE INFO

Received: 03rd October 2022

Accepted: 10th October 2022

Online: 19th October 2022

KEY WORDS

Куйдирги, сибир яраси,
профилактика,
микробиология, аероб, спора,
капсула, карбункула, бацилла
, ўчоқ, спорадик септицемия.

ABSTRACT

Ушбу мақолада қишлоқ хўжалигининг ажралмас қисми бўлган чорвачиликни ривожлантириш эпизоотик барқарорликни таминлашнинг муҳим аҳамиятлари, республикамиз ҳудудида ўта хавфли юқумли касалликлар гуруҳига кирувчи куйдирги касаллигининг кўплаб табиий ўчоқлари, куйдирги касаллигининг бошқа юқумли касалликлардан фарқи, инсониятга, чорвачиликга, иқтисодий, ижтимоий зарар келтиришлари борасида сўз юритилган.

Куйдирги жуда қадимдан маълум, кўплаб олимлар томонидан ўрганилган юқумли касаллик бўлсада ҳанузгача куйдирги касаллигини олдини олиш билан боғлиқ муаммо ҳал қилинмаган. Бунинг сабаби ушбу касалликнинг эпизоотологияси ва эпидемиологиясининг ўзига хос хусусиятлари билан ҳам, кўзғатувчининг ўзи экологияси билан ҳам боғлиқ. Халқаро Епизоотик Бюронинг маълумотларига кўра, куйдирги касаллиги ер юзининг барча қисмларида ҳайвонлар орасида кенг тарқалиб, чорвачиликка катта иқтисодий зарар келтиради. Ер юзида рўйхатга олинган касалликнинг 41,12% Йеуропа, 10,01% Америка, 9,68% Африка ва Осиё 39,17% қитъа-ларига тўғри келган. Бир йилда Йеуропанинг 26 мамлакатиди, Осиёнинг 16, Африканинг 31 ва Америка қитъасининг 13

давлатлари ҳудудларида куйдирги қайд қилинган [2].

Сайёрамиз бўйлаб ҳар йили 2000 дан 20000 гача куйдирги касаллиги қайд етилади. Касаллик Африка, Осиё, Жанубий ва Марказий Америка, Яқин Шарқ ва Кариб денгизининг кўплаб мамлакатларида кенг тарқалган. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида куйдирги ҳақидаги маълумот илк бор 1869 йилдаги ветеринария ҳисоботида Туркистон ҳарбий округининг ҳозирги Сирдарё вилояти ҳудудида 5 бош отда қайд қилинган. Ўзбекистоннинг Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Самарқанд, ва Андижон вилоятлари ҳудудларида ҳайвонлар ва одамларда куйдирги касаллиги ҳақида кўпгина муаллифлар ўз асарларида маълумотлар. Ўзбекистонда 1930-1970 йиллар давомида 4,5 минг стационар носоғлом пункт рўйхатга олинган. [2].



А.Исраилов маълумотларига кўра, Ўзбекистонда куйдиргининг тарқалиши асосан ҳайвонлар тури ва ёшига боғлиқ. Касалланган ҳайвонларнинг 59,5 % ини қўй-ечки, 29,6% ини қорамол, 7,5% ини чўчқа, 2,8% ини от ва 0,3% ини туялар ташкил этади. 6 ойгача бўлган ёш бузоқларда, 4 ойликкача ёш қўзи ва чўчқа болаларида куйдирги умуман аниқланмаган. [2]

Охирги йилларда ўзбек олимлари ва Республика ветеринария хизмати ходимларининг саъй - ҳаракатлари билан Ўзбекистон ҳудудида қайд етилган барча куйдирги ўчоқлари қайтадан тафтиш қилинди, уларнинг номлари суғориладиган жойларда қишлоқ номи, чўл-яйловлар ҳудудида еса қудуқлар номи билан аталди ва кадастр қилиниб, харитаграммага киритилди, ҳар бир куйдирги ўчоғига паспорт шакли ишлаб чиқилди ва ҳамма ўчоқларда паспорт юритиладиган бўлди.[2]. Сайёрамизнинг қатор мамлакатларида, эпизоотия ҳақида хабарлар мунтазам равишда пайдо бўлади . Қўзғатувчининг юқиши гўшт ва гўшт маҳсулотлари (95,8%), камдан-кам ҳолларда қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг териларини қайта ишлаш (4,2%). Чорва молларини мажбурий сўйиш, тана гўштини майдалаш (94,4%) тери шаклининг кенг тарқалишига сабаб бўлади [3]. Куйдирги зоонозлар гуруҳига киради, шунинг учун табиатда қўзғатувчининг мавжудлигини сақлашдаги асосий рол эпизоотик жараёнга тегишли. Дунёда куйдирги эпизоотик ҳолатини барқарор деб таърифлаб бўлмайди. Куйдирги касаллиги, асосан қишлоқ хўжалик ҳайвонлари орасида, деярли ҳамма жойда қайд етилган. Қишлоқ хўжалиги

ҳайвонларининг касалланиши бўйича қорамоллар ҳали ҳам асосий тур ҳисобланади 2011-2012 йилларда. Россия Федерацияси ҳудудида ҳайвонларда куйдирги касаллигининг тарқалиши фақат мамлакатнинг 5 та субъектларида - Олтой ўлкасида, Белгород вилоятида, Тула вилоятида, Краснодар ўлкасида ва Доғистон Республикасида қайд етилган. Ушбу минтақалар доимий носоғлом ҳудудлар ҳисобланади. Олтита ҳолатдан бештаси аҳоли ҳовлиларида аниқланган. Олти қорамол касаллиги қайд етилган. Куйдирги касаллигини аниқлаш бўйича ойлик динамикани таҳлил қилиш уларнинг ёз ойларига қадар бўлганлигини кўрсатган [8]. Ҳайвонлар орасида касалланиш ҳолати тез-тез озиқланиш йўли орқали, яйловларда ёки таркибида споралари бўлган тупроқ зарраларини ютганда учрайди [5]. Ҳайвонлар орасида озиқ-овқатдан юқиш йўлининг аҳамиятини қўллаб-қувватловчи муҳим эпизоотологик далиллардан бири уларнинг қўзғатувчиси билан ифлосланган сунъий озуқалар орқали юқшининг кўплаб фактлари мавжуд. Сунъий озуқа ўсимлик ва ҳайвонот манбаларидан иборат кўплаб таркибий қисмлардан, шу жумладан суяк, гўшт ва қон унидан иборат. Бундай ун куйдирги касаллиги билан мажбуран сўйилган ҳайвоннинг органлари ва тўқималаридан тайёрланиши мумкин. Ишлаб чиқариш технологиясининг бузилиши натижасида бундай ун таркибида кўплаб патоген споралар сақланиб қолиши мумкин. Сунъий озуқа билан озиқланадиган қишлоқ хўжалик ҳайвонларида куйдирги касаллиги учраганлиги ҳақида маълумотлар



мавжуд. АҚШ ва Буюк Британияда ва бошқа мамлакатларда қон ва суяк унларидан зарарланиш ҳолати қайд етилган [5]. Россия Федерациясида ҳайвонларда куйдирги касаллиги ҳар йили ўнлаб қайд етилади. Епизоотик жараённинг намоён бўлиши вақти-вақти билан бўлади, ўлим асосан қорамол ва қўйларда, камроқ чўчқа ва отларда кузатилади [7]. Ҳайвонларда иммунитетнинг етарли даражада шаклланмаганлиги баъзи бир фермер хўжаликларида емлаш қоидаларига риоя қилмаслик, ҳайвонларнинг иммунитет даражасининг пастлиги, ва бошқа сабабларга боғлиқ бўлиши мумкин [4]. Ҳозирги вақтда табиатдан фойдаланувчиларни назорат қилмаслик, ветеринария ва санитария қоидаларини бузиш, кўплаб хусусий уй жой қурулишларини доимий равишда назорат қилиб бориш мумкин емаслиги куйдирги касаллигининг олдини олиш муаммосига еътиборни сусайтириши мумкин емас. Куйдирги касаллиги такроран учраши сабабларидан бири бу шу ҳудуда куйдирги ўчоғининг борлиги, Украинада куйдирги касаллиги ёзда, 40-50 йил олдин фаол бўлган куйдирги ўчоғи бор ҳудудда содир бўлган. Мавжуд ҳайвонлар етарли даражада емланмаган кичик фермер хўжаликларида касаллик юқиши кузатилган, [1]. Россия

Федерациясида куйдирги касаллиги билиан боғлиқ ҳолатлар кузатувнинг барча даражаларида қайд етилади ва керакли маълумотлар, маълумотномалар шаклида тўпланади, бу турли ҳудудларда профилактика тадбирларини режалаштириш учун зарурий шартдир. Шундай қилиб, Россия Федерациясининг доимий равишда куйдирги-муаммоли пунктлари кадастрида (2005) мамлакат ҳудудининг 24 фоизини егаллаб олган 35000 дан ортиқ аниқланган куйдирги ўчоқлари ҳисобга олинади [6]. Шундай қилиб, куйдирги касаллигининг минимал даражасига етган мамлакатларда, ушбу инфекция устидан тўлиқ назоратни таъминлашнинг имкони йўқ, бу унга қарши доимий тайёргарликни сақлаб туришга ва эпизоотологик, епидемиологик вазиятнинг асоратларини олдини олишга қаратилган чора тадбирларни кучайтириш ва хушёрликни йўқотмасликка сабаб бўлади. Куйдирги ўчоқларининг сони ва аниқ жойлашишини аниқлаш, уларни доимий фаоллик даражасини текшириш, куйдирги ўчоғи мавжуд ҳудуддаги ҳайвонларни режали равишта доимий емлабтуриш куйдирги билан боғлиқ нохуш ҳолатлар олдини олади.

References:

1. Шабловская, Е.А. Эпидемиологическая характеристика вспышек сибирской язвы в Украине, возникших в последние годы(1994-1999)/ Шабловская Е.А., Кролевецкая Н.М., Лауген Э.А. и др.// Журн. Эпидемиология и инфекционные болезни, 2000.-№ 4. С.12-14
2. Х С Салимов. А А Қамбаров. И Х Салимов. Эпизоотология ва ҳайвонлар инфекцион касалликлари. Тошкент - 2020
3. Дугаржапова, З.Ф. Эпизоотологические и эпидемиологические особенности сибирской язвы в Сибири в современных условиях/ Дугаржапова З.Ф.// Автореф. дис. на соиск. уч. степ. канд. мед. наук. - Иркутск, 2009. -24 с.



4. Васина, Н.К. Серологический мониторинг эффективности специфической профилактики сибирской язвы в ЦФО РФ/ Васина Н.К., Селянинов Ю.О., Егорова И.Ю. // Ветеринарная патология. 2012. -№ 1. С.36-40.
5. Черкасский, Б.Л. Эпидемиология и профилактика сибирской язвы. –М.: Интерсэн, 2002.- С. 383.
6. Кадастр стационарно неблагополучных по сибирской язве пунктов Российской Федерации/ Справочник. – М.: Интерсен, 2005, 830 с.
7. Ладный, В.И. Сибирская язва на территории Российской Федерации./ Ладный В.И., Ющенко Г.В. // Эпидемиология и инфекционные болезни.-2009,№2,С.36-40
8. Шабейкин, А.А. Современные особенности эпизоотологии сибирской язвы на территории РФ/ Ветеринария и кормление. М. 2013, №3.С.15-17.